

Тавба сураси, 8-11

05:00 / 23.01.2017 4099

8. Қандай қилиб (уларга аҳд бўлсинки), улар агар сиздан устун келсалар, на аҳдга ва на бурчга риоя этмаслар. Сизни оғизлари билан рози қиладилар-у, қалблари кўнмас. Уларнинг кўплари фосиқлардир.

Мушрикларнинг ўзлари аҳдга вафо қилмаганларидан кейин улар учун Аллоҳ ва Унинг Расули ҳузурида қандай ҳам аҳд бўлсин? Улар оғизлари билан яхши гапларни гапириб, сиз билан аҳднома тузадилар-у, аммо қалблари аҳд тузишни ҳеч истамайди ва аҳдга вафо қилишни ҳам хоҳламайди. Улар аҳдни тузиб қўяверадилар, аммо фурсатни топганларида:

«...сиздан устун келсалар, на аҳдга ва на бурчга риоя этмаслар».

Кўлларида келган барча ёмонликларни қиладилар. Бунга тарих шоҳиддир. Уларнинг мусулмонларга қилган шафқатсизликлари ҳаммага маълум ва машҳурдир.

«Уларнинг кўплари фосиқлардир».

Яъни, динда Аллоҳ чизган чегарадан чиқувчилардир. Бу ҳолат барча номаъқул ишларнинг асосий сабабидир.

9. Улар Аллоҳнинг оятларини озгина баҳога сотиб, Унинг йўлидан тўсдилар. Дарҳақиқат, уларнинг қилганлари қандай ҳам ёмон бўлди?!

Мушриклар ҳаммага баробар келган Аллоҳнинг оятларини қабул қилмай, ундан бу дунёнинг озгина баҳосини устун кўрдилар. Дин йўлига юрсалар, дунёнинг матоҳидан ажралиб қоламан ёки камроқ улуш оламан, деб ўйлашди. Шунингдек, бу дунёдаги молдан садақа беришдан чўчишди. Шуларни ўйлаб, одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсишди.

«Дарҳақиқат, уларнинг қилганлари қандай ҳам ёмон бўлди?!»

10. Улар мўмин ҳақида на аҳдга ва на бурчга риоя қилмаслар. Ана ўшалар, ўзлари тажовузкорлардир.

Улар бошқаларга нисбатан аҳдга ва бурчга риоя қилишлари мумкин. Аммо мўминга келганда:

«...на аҳдга ва на бурчга риоя қилмаслар».

Чунки улар қалбида иймонга ва аҳли иймонга душманлик руҳи сингиб кетган.

Шунинг учун иймонга тааллуқли ҳар қандай гапни эшитсалар, сакраб тушадилар. Қаерда мўминни учратсалар, душманлик қиладилар. Аввалда берилган аҳд, олинган бурчга ҳам риоя қилмайдилар.

«Ана ўшалар, ўзлари тажовузкорлардир».

Бундан ортиқ тажовузкорлик бўлиши мумкин эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, вақти келганда мўмин киши уларни кечиради, ўзига биродар қилиб олади.

11. Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар. Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз.

Улар яна такрор тўғри йўлга чақирилмоқда. Майли, шунчалик душманлик, адоват, жабр-ситама ўтказган бўлсалар ҳам, улардан ўч олиш ёки душманлик қилишга ният йўқ.

«Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар».

Ўтган ишларни юзига солиш йўқ. Фақат, билсалар бўлди. Биз:

«Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз».

Агар буни ҳам билмасалар, ўзларидан кўрсинлар: